

1 – масала

“2015 йил – “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури бўйича институтда амалга оширилган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2016 йил 4 феврал 5/1-сонли қароридан кўчирма

Илмий кенгаш “2015 йил – “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури бўйича институтда амалга оширилган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор **О.Ю.Рустамов**нинг ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Институтда 2015 йил "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилиниши муносабати билан тармоқ дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича қуйидаги ташкилий ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Вазирликнинг *“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш тўғрисида*”ги **2015 йил 3 мартдаги № 73-сонли** буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида институт ректорининг **06.03.2015 йил 050-у-сонли** буйруғи эълон қилинган.

Институтда вазирликнинг "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш бўйича Тармоқ дастуридаги бандлар институтда фаолият кўрсатаётган бўлимлар бўйича тақсимланган. Институт ўқув бинолари, талабалар турар жойи ҳудудлари Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини акс эттирадиган плакатлар, баннерлар билан безатилган.

2015 йил "Кексаларни эъзозлаш йили" муносабати билан СамДАҚИда турли тадбирлар, хусусан, ёши улуғ устозлар билан учрашувлар, адабий кечалар мунтазам равишда ўтказилиб келинди.

Кексаларнинг театрлар, концерт томошалари ва бошқа маданий-марифий тадбирларга бепул боришлари ташкил этилди.

“Кексаларни эъзозлаш йили” муносабати билан институт ходимлари ва талабалари бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси томонидан **19 нафар** профессор-ўқитувчиларнинг ҳар бирига **100 минг** сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Институт касаба уюшма қўмитаси ҳозирда институтда фаолият кўрсатаётган профессор – ўқитувчилар ва ходимларнинг **50 нафарини** Бухоро шаҳрига саёҳатини уюштирди.

Институтда фаолият кўрсатаётган меҳнат фахрийларига Республика ҳудудида жойлашган санаторияларга бепул ва имтиёзли йўлланмалар берилди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурини мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, “Ўтганларни хотирлаш, кексаларни эъзозлаш – бизнинг фарзандлик бурчимиздир”, “Нуроний кексалик – элдаги кўркамлик” каби мавзуларида “Ахборот соатлари” ўтказилди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Тармоқ дастурида белгиланган 13 банди ижроси бўйича ҳар ойнинг 20 санасида вазирликка ахборот берилиб борилди.

Йил бошида институтнинг 2015 йил – “Кексаларни эъзозлаш йили” Тармоқ дастурида белгиланган тадбирлар учун **24 млн 500 минг** сўм ажратилган эди. Йил якунида Тармоқ дастурида белгиланган тадбирлар учун **25 млн 250 минг** сўм миқдорида маблағ сарфланди ва режа бажарилди.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. **“2015 йил – “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури бўйича институтда амалга оширилган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор О.Ю.Рустамовнинг ҳисоботи тасдиқлансин.**
2. Талабаларни ота-оналарига ва кекса авлодга ҳурмат эҳтиром ва ғамхўрлик руҳида тарбиялашга қаратилган давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилиши давом эттирилсин. **Масъуллар:** *Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Т.С.Эгамов, хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Ибрагимова ва декан муовинлари. Муддати:* ўқув йили давомида.

3. Талабаларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, диний ақидапарастлик ва гиёҳвандлик таъсирига тушиб қолмасликни олдини олиш бўйича ўтказиладиган тадбирларга талабалар 100% жалб этилсин. **Масъуллар:** *Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Т.Эгамов, декан муовинлари ва гуруҳ мураббийлари.* **Муддати:** *ўқув йили давомида.*
4. 2016 йил – “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури бўйича институтда бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилансин ҳамда уларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши таъминлансин. **Масъуллар:** *Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Т.Эгамов, барча бўлим бошлиқлари ва факультет деканлари.* **Муддати:** белгиланган муддатларда.
5. Ушбу қарор ижросининг назорати маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор **О.Ю.Рустамов** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

2 – масала

“Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танловининг мазмун-моҳияти ва танловнинг институт босқичини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги масала юзасидан СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2016 йил 4 феврал 5/2-сонли қароридан кўчирма

Илмий кенгаш “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танловининг мазмун-моҳияти ва танловнинг институт босқичини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги масала юзасидан ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев**нинг ахборотини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

“Таълим тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, юқори малакали педагог кадрларни аниқлаш ва тақдирлаш, уларнинг фаолияти нуфузини янада ошириш, ўқитишнинг инновацион технологияларини кенг оммалаштириш, педагогик фаолиятда соғлом рақобат ва ижодкорлик муҳитини яратиш, олий таълим муассасалари педагогларининг касбий раванқини рағбатлантириш ва маҳоратини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24-февралда “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танлови тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида 32-сонли қарори қабул қилинди. Низом талабларига биноан танлов икки босқичда: олий таълим муассасаси босқичида ва республика босқичида ўтказилади.

Низом талабларига мувофиқ танловнинг институтдаги **босқичи 2015 йилнинг 1 апрель - 30 май** кунлари мобайнида ўтказилди. Танлов комиссияси танловни ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий ишларни Низом талабларига мувофиқ амалга оширди.

Худди шунингдек, **2015 йилнинг 16-17 сентябрь** кунлари республика танловида институт босқичи ғолиблари “Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси **профессори А.С.Уралов** ва **доцент К.Ж.Рахимов**лар ҳамда “Қурилиш материаллари буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” кафедраси **ўқитувчиси А.Х.Қўлдошев**ларнинг номлари тавсия этилиб, улардан А.Уралов ва К.Рахимовлар Республика босқичига иштирок этиб совриндорлар қаторидан жой эгалашдилар, А.Қўлдошева Хитой Халқ Республикасидаги Харбин муҳандислик университетига 10 ойлик стажировка курсига ўқишга кетганлиги сабабли иштирок эта олмади.

“Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танловининг мазмун-моҳияти тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, моҳият жиҳатдан бу тадбир аввало Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида билимли, мустақил фикрлайдиган, ватанпарварлик туйғуси мустаҳкам бўлган ёшларни вояга етказиш йўлида фидойилик кўрсатаётган педагогларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигининг яна бир исботидир. Чунки, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу орзу-интилишларимизни рўёбга чиқариш, аввало, юқори малакали педагогларнинг меҳнатига боғлиқ. Таълим соҳасига қаратилаётган доимий эътибор туфайли педагог кадрлар билим ва малакасини ошириш, ўз устида мунтазам ишлашнинг таъминлаш, тажрибасини оммалаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Бу каби кўрик-танловлар ёшларни тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшаётган ўқитувчи ва мураббийларнинг обрў-эътиборини янада юксалтириш, меҳнатини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танловининг мазмун-моҳияти ва танловнинг институт босқичини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги масала юзасидан ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев**нинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танловини ўтказиш комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танлови тўғрисида Низомнинг мазмун моҳиятини профессор-ўқитувчиларга тушунтириш, уни тарғиб этиш ишлари

кучайтирилсин. **Масъуллар:** Ўқув ишлари бўйича проректор, факультет деканлари, кафедра мударлари. **Муддат:** 2016 йил 5 апрелгача.

4. Институт босқичида “Олий таълим муассасининг энг яхши педагоги” танловига таълим соҳалари ва номинациялар бўйича камида бир нафардан барча кафедралардан иштирокчиларнинг ариза ва хужжатлари Низом талабларига мувофиқ Танлов комиссиясига тақдим этилсин. **Масъуллар:** Факультет деканлари, кафедра мударлари. **Муддат:** 2016 йил 5 апрелдан 15 апрелгача.
5. Танловнинг институт босқичида таълим соҳалари бўйича номинация ғолиблари аниқлансин ва уларнинг хужжатлар тўпламини расмийлаштирилиши, вазирликка белгиланган муддатларда тақдим этилиши Низом талабларига қатъий амал қилган ҳолда таъминлансин ҳамда улар Низомда белгиланган тартибда моддий рағбатлантирилсин. **Масъул:** Танлов комиссияси, молиявий-иқтисодий ишлар бўйича проректор. **Муддат:** 2016 йил 10 июнгача.
6. Танлов ғолиблари томонидан эришилган ютуқлар оммавий ахборот воситаларида (институт веб сайтыга, газета, республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари) ёритиш ташкил этилсин. **Масъул:** Маънавий-маърифий ишлари бўйича проректор. **Муддат:** танловлар якунида.
7. “Олий таълим муассасининг энг яхши педагоги” республика танлови ғолибларининг ўқув-методик, илмий тадқиқот, маънавий-маърифий ютуқлари ҳамда педагогик маҳорати ва педагогик концепциясини ёш педагогларга етказиш, уларда касбий ўсиш ва маҳоратларининг оширилишини янада кучайтириш мақсадида танлов ғолиблари иштирокида мастер-класс, семинар-тренинглар ташкил этилсин. **Масъуллар:** Ўқув-услубий бўлим, факультет деканлари, кафедра мударлари. **Муддат:** ўқув йили давомида.
8. Ушбу қарор ижросининг назорати ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

3 – масала

“2016 йил 1-босқичга қабул қилинган КИХИ ва МИнинг илмий консультант билан биргаликда диссертация ишини тайёрлашнинг яқка тартибдаги режаси ва ихтисосликлар бўйича ўзлаштириладиган назарий-методологик курснинг ўқув режаси ҳамда дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги масала бўйича Илмий кенгашнинг 2016 йил 4 феврал 6/1-сонли қароридан кўчирма

Илмий кенгаш “2016 йил 1-босқичга қабул қилинган КИХИ ва МИнинг илмий консультант билан биргаликда диссертация ишини тайёрлашнинг яқка тартибдаги режаси ва ихтисосликлар бўйича ўзлаштириладиган назарий-методологик курснинг ўқув режаси ҳамда дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги масала юзасидан масала юзасидан илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков**нинг ахборотини тинглаб, муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари” ва “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида”ги Низомнинг **21, 22-банд**ларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг “*Катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар томонидан мустақил равишда ўзлаштириладиган фанлар*” тўғрисидаги 2013 йил 30 декабр билан тасдиқланган 201/6-сон қарорига мувофиқ ОАК эксперт кенгаши томонидан белгиланган фанлар бўйича институтда 8 ихтисослик (**01.02.04–Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси**), (**01.02.05–Суюқлик ва газ механикаси**), (**05.09.01–Қурилиш конструкциялари. Бинолар ва иншоотлар**), (**05.09.03–Иссиқлик таъминоти. Вентиляция, кондиционерлаш. Газ таъминоти ва ёритиш**), (**05.09.04–Сув таъминоти, канализация, сув ҳавзаларини муҳофазалаш учун қурилиш тизимлари**), (**11.00.06–Геодезия. Картография**) (**18.00.01–Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**), (**18.00.02– Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар жойларини режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси**), бўйича илмий фаолият олиб бораётган катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар учун назарий методологик курснинг ўқув режаси, дастури, диссертация ишини тайёрлашнинг яқка тартибдаги режаси илмий маслаҳатчилар билан биргаликда шакллантирилиб, ишлаб чиқилган.

Илмий кенгаш қатнашчилари ихтисосликларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда илмий маслаҳатчилар томонидан ишлаб чиқилган назарий-методологик курснинг ўқув режаси, дастури ва диссертация ишни тайёрлашнинг яқка тартибдаги режасини тасдиқлаш тўғрисидаги илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков**нинг ахборотини эшитиб, илмий кенгаш аъзоларининг фикр-мулоҳазалари асосида

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “2016 йил 1-босқичга қабул қилинган катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларнинг илмий консультант билан биргаликда диссертация ишини тайёрлашнинг яқка тартибдаги режаси ва ихтисосликлар бўйича ўзлаштириладиган назарий-методологик курснинг ўқув режаси ҳамда дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги масала юзасидан илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков**нинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Институтда мавжуд ихтисосликлар бўйича илмий фаолият олиб бораётган катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар учун назарий методологик курснинг ўқув режалари, дастурлари ва илмий консультант билан биргаликда диссертация ишини тайёрлашнинг яқка тартибдаги режалари тасдиқлансин ва уларнинг бажарилиши назоратга олинсин. **Масъуллар:** ИваИПКТБ бошлиғи У.А.Хушвақтов. **Муддати:** Белгиланган муддатларда.

3. Катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларнинг махсус билимларини ошириш мақсадида, улар томонидан мустақил ўзлаштириладиган назарий-методологик дастур, режага мувофиқ ўқишнинг биринчи йили мобайнида илмий маслаҳатчи ёрдамида ўзлаштирилиши белгилансин.
4. “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида”ги **Низом**нинг тегишли бандларига мувофиқ институтда фаолият юритаётган катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларнинг фаолияти самарадорлиги мониторинги мезонлар бўйича олиб борилсин. **Масъуллар:** ИваИПКТБ бошлиғи У.А.Хушвақтов. **Муддати:** Белгиланган муддатларда.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

4 – масала

“Институтда ижро интизомини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари билан ишлаш ҳолати ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2016 йил 4 феврал 6/2 сонли қарори

Илмий кенгаш “Институтда ижро интизомини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари билан ишлаш ҳолати”ги масала юзасидан институтнинг ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи **Қ.Ю.Абдуллаев**нинг ахборотини тинглаб, муҳокама этиб, қуйидагиларни таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш, мурожаатлар билан ишлашни такомиллаштириш мақсадида бўлимда мурожаатлар билан ишлашнинг электрон тизими йўлга қўйилган. Ҳар бир мурожаатлар келиб тушган кундан бошлаб назорат карточкаси орқали кирим қилиниб, ижрога қўйилади ва назорати олиб борилади.

2015 йил давомида институт раҳбариятига ва проректорларига жисмоний ва юридик шахслардан жами **36 та** ёзма ва оғзаки мурожаатлар келиб тушган. Шулардан **33 та** ариза жисмоний шахслардан, **3 та** ариза юридик шахслардан қабул қилинган. Мазкур ёзма мурожаатларга тегишли мутасадди раҳбарлар томонидан жавоб хатлари йўлланган. Оғзаки мурожаатлар ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал этилган.

Шунингдек, ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан жисмоний ва юридик шахслардан 2015 йил давомида жами **13 та** мурожаат қабул қилинган. Шулардан **1 таклиф, 2 та шикоят ва 10 та аризаларни** ташкил этади.

Мазкур қабул қилинган мурожаатларнинг **3 таси** ижобий ҳал этилган, **4 таси** қонуний ҳал этишлик учун тегишли давлат органларига юборилган, **6 та** мурожаат муаллифларига асосланган жавоб хатлари юборилган. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари бузилмаган ва такрорий мурожаатлар ҳам қилинмаган.

Ички назорат ва мониторинг бўлимида келгусида ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни янада кучайтириш, ҳар бир мурожаатларни тўлиққилигича ўрганиб чиқиш, жиноят аломатлари сезилган мурожаатларни қонунда белгилаб берилган муддатларда давлат органларига тақдим этиш, мурожаатларнинг белгиланган муддатларда ҳал этиш юзасидан ижобий ишларни амалга ошириш асосий вазифа этиб белгилаб олинган.

Институтга ўтган 2015 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг корпоратив портали орқали жами **1166 та** ҳужжат қабул қилинган. Шулардан **315 таси** ижро учун ўқув ишлари бўйича проректор А.Қулдашевга, **212 таси** маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорига, **243 таси** молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор Б.Абдусаматовга, **232 таси** илмий ишлар бўйича проректор Э.Исаковга, **59 таси** АЛ ва КХК бўйича проректор А.Гадаевга, қолган **105 та** ҳужжат тегишлилиги бўйича бўлим бошлиқларига ижросини таъминлаш учун юборилган. Мазкур ҳужжатлар бўйича доимий мониторинг олиб борилган ва ижроси таъминланган. Ҳозирги кунда ўтган 2015 йил бўйича **1 та** ҳужжатнинг (24.12.2015 йил 87-03-1623 сонли модемнома “Битирувчиларни дипломлари ҳақидаги маълумотларни киритиш тўғрисида”) муддати тугамаганлиги сабабли ижроси назоратга олинган.

Юқорида қайд этилган мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаши қарор қилади:

1. “Институтда ижро интизомини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари билан ишлаш ҳолати”ги масала юзасидан институтнинг ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи **Қ.Ю.Абдуллаев**нинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлар, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруқлари, Ҳайъат қарорлари, йўриқ хатларининг ўз вақтида қабул қилмаган ва ижросини белгиланган муддатида бажармаган мутасадди раҳбар шахсларга нисбатан қатъий интизомий жазо чораларини кўриш бўйича таклиф

тайёрлансин. **Масъуллар:** Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи **Қ.Ю.Абдуллаев**. **Муддати:** Доимий.

3. Институтда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашнинг ҳолати бўйича институт илмий кенгаши ва ректорат кенгаши йиғилишларида доимий равишда муҳокама қилиш давом эттирилсин. **Масъуллар:** Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи **Қ.Ю.Абдуллаев** ва илмий кенгаш котиби **Р.Эшмаматов**
4. Ушбу қарор ижросининг назорати ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

5 – масала

Ҳар хил масалалар.

Кун тартибдаги ҳар хил масалалар бўйича биринчи сўз ўқув-услубий бўлим бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов**га берилди.

“Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 29-декабрдаги “2016 йилда ўтказиладиган олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари режаси ва тингловчилар контингентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғининг ижроси ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2016 йил 4 феврал 6/3 сонли қароридан кўчирма

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4732-сон Фармони, Вазирликнинг 2015 йил 29-декабрдаги 504-сонли “2016 йилда ўтказиладиган олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари режаси ва тингловчилар контингентини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғида берилган топшириқларни бажарилишини таъминлаш мақсадида институтнинг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига юбориш жараёнлари олиб борилмоқда.

Жорий 2015-2016 ўқув йилида институтда асосий штатда **470** ва **55** ўриндош профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Амалдаги Низомга мувофиқ олий таълим тизимида ишлаётган профессор-ўқитувчи ҳар 3 йилда бир марта қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўз малакасини ошириб қайтиши шарт. Шунда келиб чиқиб, чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва ишлар режалаштириб олинди.

Вазирлик томонидан ўрнатилган тартибга мувофиқ барча кафедралардан малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларига юбориладиган раҳбар ва педагог кадрлар контингенти бўйича таклифлар йиғилиб, кўриб чиқилди ва вазирликка тақдим этилди. Бугунги кунда Вазирликнинг 2015 йил 29-декабрдаги 504-сонли “2016 йилда ўтказиладиган олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари режаси ва тингловчилар контингентини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи билан 2016 йил учун режа тасдиқланган. Унга кўра 2016 календар йилида Бош илмий-методик марказ ҳамда минтақавий тармоқ марказларида жами **137 нафар** профессор-ўқитувчиларимизнинг **малака оширишлари режалаштирилган**. Шулардан **12 нафари** БИММга, қолган **125 нафари** таянч ОТМларга юборилади.

Хабарларингиз бор, ўтган йилнинг сентябр-октябр ойларида Бош илмий-методик марказ ҳамда минтақавий тармоқ марказларида малака оширган **6 нафар**, ноябр-декабр ойларидаги курслар якунлари бўйича яна **9 нафар** ходимимиз **аттестациядан ўтолмади**.

Вазирлик рўйхатида номлари келтирилган аттестациядан ўтмаган 15 нафар профессор-ўқитувчиларнинг натижалари кўриб чиқилди, ҳозирги кунда уларнинг бир йил муддатда такроран қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтишга тайёрлаш юзасидан шахсий режаларини шакллантирилди ва раҳбарият томонидан тасдиқланди. Режада асосий эътибор юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунларда БИММ бошчилигида аттестациядан ўтолмаган педагог ва раҳбар кадрларни қайта аттестациядан ўтказиш тартиби ишлаб чиқилмоқда. Муддатлар ва аниқ жойлари, тўланадиган маблағлар суммаси аниқ бўлгандан кейин шу ходимларимиз ўз ҳисобларидан қайта аттестациядан ўтишлари керак бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларга эътиборни қаратиш лозим деб ҳисоблайман:

- Кафедра мудирларига Бош илмий-методик марказ портали www.bimm.uzда ёки ўқув бўлимида мавжуд 2016 йил учун малака ошириш ва қайта тайёрлаш режасини олиб, профессор-ўқитувчиларни имзоси асосида таништириб, ҳозирдан тайёргарликни

Кун тартибдаги ҳар хил масалалар бўйича иккинчи сўз АЛВаКХК бўйича проректори **А.Н.Гадаевга** берилди.

“СамДАҚИ АЛВаКХК бўйича проректори, “Сув таъминоти, канализация ва сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш” кафедраси доценти Аброр Ниязович Гадаевнинг Швейцариянинг Женева шаҳрида 2016 йил 27-29 январ кунлари БМТнинг Фан ва технологиялар бошқармаси томонидан ташкил этиладиган “Фан ва технология” халқаро конференциясида иштироки натижалари ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2016 йил 4 феврал 6/4 сонли қароридан кўчирма

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 11.01. даги 07/1-136 – сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 14.01.2016 даги 87-04-84–сонли хатлари асосида Швейцариянинг Женева шаҳрига БМТнинг фан ва технологияларни ривожлантириш бошқармаси томонидан ташкил этилган ҳалокатлар хавфини камайтириш масалаларига бағишланган халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси номидан иштирок этгани ва унда асосан 2016 йилнинг 14-18 март кунлари Япониянинг Сендай шаҳрида ўтказилган ҳалокатлар хавфини камайтириш бўйича Жаҳон конференцияси (The World Conference on Disaster Risk Reduction held in Sendai, Japan on 14 – 18 March 2015) якуний хулосаларини амалда қўллаш масалалари кўриб чиқилганлиги ҳақида айтиб ўтилди.

Шунингдек, ушбу хорижий сафар давомида қуйидагилар ишларни амалга ошириш бўйича музокаралар олиб борилганлиги таъкидланди:

- БМТнинг фан ва технологиялар бошқармаси томонидан ташкил этилган конференцияда **“Aral Sea Disaster: Sustainable water resources management in Central Asia”** мавзусида маъруза қилинди. Маъруза бўйича қизиқувчилар билан сув муаммолари ва уларни ечими;
- Шунингдек конференция давомида фан ва технологиялар масалаларининг Марказий Осиёда сув билан айнан Орол денгизи экологик муаммолари ечими ва уни хавфини камайтиришга бағишланган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва уларни молиялаштириш бўйича **Япониянинг JICA агентлиги** президенти маслаҳатчиси **Dr.Takeya Kimio** билан келгусида ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- БМТ эксперти **Duhan Zupka**, билан сув ресурсларини бошқаришда барқарор ривожланиш талабларини қўллаш;
- БМТ ҳалокатлар хавфини камайтириш бўйича ва *Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ* ҳудуди офиси бошлиғи **Madhavi Malalgoda Aviyabondy** хоним билан Орол денгизи муаммолари ечими ва СамДАҚИда ташкил этилган “Сув ресурсларини барқарор бошқариш” марказини лаборатория жиҳозлари ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш масалаларида ҳамкорлик қилиш;
- Ёнғин хавфини олдини олиш бўйича **Марказий Осиёнинг Манголиядаги маркази** директори **Dr.Oyunsanaa Byambasuren** билан ҳудудда ҳавфларни камайтириш лойиҳаларида ҳамкорлик қилиш.

Бундан ташқари, ушбу БМТ анжумани дунёнинг салоҳиятли илмий марказлари олимлар билан ҳамкорликда “Сув ресурсларини барқарор бошқариш”, “Атроф муҳит муҳофазаси”, “Орол денгизи экологик муаммолари ечимлари” каби мавзуларда қўшма лойиҳалар бажаришга ва улар учун грантлар олиш учун катта амалий аҳамиятга эга бўлганлиги, шунингдек, хорижий ОТМлар олимлари билан ҳамкорликда халқаро грант танловларида қатнашиш учун асос бўлиши алоҳида таъкидланди.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “СамДАҚИ АЛВаКХК бўйича проректори, “Сув таъминоти, канализация ва сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш” кафедраси доценти **Аброр Ниязович Гадаевнинг** Швейцариянинг Женева шаҳрида 2016 йил 27-29 январ кунлари БМТнинг Фан ва технологиялар бошқармаси томонидан ташкил этиладиган “Фан ва технология”

халқаро конференциясида иштироки натижалари ҳақида”ги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Институтда олиб борилаётган илмий тадқиқотнинг хорижий ҳамкорлик масалаларига барча кафедра профессор-ўқитувчилари жалб этилсин. **Масъуллар:** *ИваИПКТБ бошлиғи ва кафедра мудирлари*
3. Дунёнинг салоҳиятли илмий марказлари олимлар билан ҳамкорликда “Сув ресурсларини барқарор бошқариш”, “Атроф муҳит муҳофазаси”, “Орол денгизи экологик муаммолари ечимлари” каби мавзуларда қўшма лойиҳалар бажаришга ва улар учун грантлар олиш учун буюртмаларни бажаршда фаол қатнашганларга институт маъмурияти томонидан алоҳида эътибор қаратилсин. **Масъуллар:** *Илмий ишлар бўйича проректор, ИваИПКТБ бошлиғи ва кафедра мудирлари.*

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

Кун тартибидаги ҳар хил масалаларни давом эттириш учун сўз илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовга** берилди.

I. Ўқув адабиётларини чоп этишга тавсия бериш ҳақида.

Эшитилди:

Илмий кенгаш котиби Р.Т.Эшмаматов сўзга чиқиб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти **Н.А.Ражабов**, катта ўқитувчи **А.А.Каримов** ва ўқитувчи **Т.Н.Аъзамов**лар томонидан **“Информатика”** фани бўйича тайёрланган ўқув қўлланмаси 1-босқич ўрта махсус, касб-хунар коллежлари талабалари учун учун мўлжалланганлигини гапириб, ушбу ўқув қўлланмага СамДАҚИ “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти **У.А.Назаров** ва Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация касб-хунар коллежи доценти **Я.Ё.Ёрбеков**лар томонидан берилган тақризлар, факультет ва институт илмий-услубий кенгашининг қарорлари билан таништирди.

Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов** сўзга чиқиб, ушбу ўқув қўлланмадан 1-босқич ўрта махсус, касб-хунар коллежлари талабалари фойдаланишлари ҳамда айна вақтда бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва мукамаллиги билан фарқланиши таъкидланди. Юқоридагиларни инобатга олиб мазкур ўқув қўлланмани **100 (юз)** нусхада нашр этиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти **Н.А.Ражабов**, катта ўқитувчи **А.А.Каримов** ва ўқитувчи **Т.Н.Аъзамов**лар томонидан **“Информатика”** фани бўйича тайёрланган ўқув қўлланмаси бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва ундан 1-босқич ўрта махсус, касб-хунар коллежлари талабалари фойдаланишлари мумкинлиги алоҳида таъкидлансин.
2. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти **Н.А.Ражабов**, катта ўқитувчи **А.А.Каримов** ва ўқитувчи **Т.Н.Аъзамов**лар томонидан **“Информатика”** фани бўйича тайёрланган ўқув қўлланмаси ўқув адабиётларни яратишда қўйиладиган барча талабларга жавоб берганлиги ва республикадаги ўрта махсус, касб-хунар коллежлари эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда адади **100 (юз)** нусхада нашрга тавсия этилсин.

Эшитилди:

Илмий кенгаш котиби Р.Т.Эшмаматов сўзга чиқиб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти **Н.А.Ражабов**, катта ўқитувчи **А.А.Каримов** ва Ҳарбий-қурилиш йўналишидаги Самарқанд академик лицейи ўқитувчиси **Ш.Очилов**лар томонидан **“Информатика”** фани бўйича тайёрланган ўқув қўлланмаси 2-босқич ўрта махсус, касб-хунар коллежлари талабалари учун учун мўлжалланганлигини гапириб, ушбу ўқув қўлланмага СамДАҚИ “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти **У.А.Назаров** ва Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация касб-хунар коллежи доценти **Я.Ё.Ёрбеков**лар томонидан берилган тақризлар, факультет ва институт илмий-услубий кенгашининг қарорлари билан таништирди.

Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов** сўзга чиқиб, ушбу ўқув қўлланмадан 2-босқич ўрта махсус, касб-хунар коллежлари талабалари фойдаланишлари ҳамда айна вақтда бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва мукамаллиги билан фарқланиши таъкидланди. Юқоридагиларни инобатга олиб мазкур ўқув қўлланмани **100 (юз)** нусхада нашр этиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти **Н.А.Ражабов**, катта ўқитувчи **А.А.Каримов** ва Ҳарбий-қурилиш йўналишидаги Самарқанд академик лицейи ўқитувчиси **Ш.Очилов**лар томонидан **“Информатика”** фани бўйича тайёрланган ўқув қўлланмаси бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва ундан 2-босқич ўрта махсус, касб-хунар

коллежлари талабалари фойдаланишлари мумкинлиги алоҳида таъкидлансин.

2. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти **Н.А.Ражабов**, катта ўқитувчи **А.А.Каримов** ва Ҳарбий-қурилиш йўналишидаги Самарқанд академик лицейи ўқитувчиси **Ш.Очиловлар** томонидан **“Информатика”** фани бўйича тайёрланган ўқув қўлланмаси ўқув адабиётларни яратишда қўйиладиган барча талабларга жавоб берганлиги ва республикадаги ўрта махсус, касб-хунар коллежлари эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда адади **100 (юз)** нусхада нашрга тавсия этилсин.

Эшитилди:

Илмий кенгаш котиби Р.Т.Эшмаматов сўзга чиқиб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти **Н.А.Ражабов**, катта ўқитувчи **А.А.Каримов**, ўқитувчи **Т.Н.Аъзамов** ва Ҳарбий-қурилиш йўналишидаги Самарқанд академик лицейи ўқитувчиси **Ж.Сувановлар** томонидан **“Ахборот технологиялари”** фани бўйича тайёрланган ўқув қўлланмаси 3-босқич ўрта махсус, касб-хунар коллежлари талабалари учун учун мўлжалланганлигини гапириб, ушбу ўқув қўлланмага СамДАҚИ “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти **У.А.Назаров** ва Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация касб-хунар коллежи доценти **Я.Ё.Ёрбековлар** томонидан берилган тақризлар, факультет ва институт илмий-услубий кенгашининг қарорлари билан таништирди.

Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов** сўзга чиқиб, ушбу ўқув қўлланмадан 3-босқич ўрта махсус, касб-хунар коллежлари талабалари фойдаланишлари ҳамда айна вақтда бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва мукамаллиги билан фарқланиши таъкидланди. Юқоридагиларни инобатга олиб мазкур ўқув қўлланмани **100 (юз)** нусхада нашр этиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти **Н.А.Ражабов**, катта ўқитувчи **А.А.Каримов**, ўқитувчи **Т.Н.Аъзамов** ва Ҳарбий-қурилиш йўналишидаги Самарқанд академик лицейи ўқитувчиси **Ж.Сувановлар** томонидан **“Ахборот технологиялари”** фани бўйича тайёрланган ўқув қўлланмаси бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва ундан 3-босқич ўрта махсус, касб-хунар коллежлари талабалари фойдаланишлари мумкинлиги алоҳида таъкидлансин.
2. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти **Н.А.Ражабов**, катта ўқитувчи **А.А.Каримов**, ўқитувчи **Т.Н.Аъзамов** ва Ҳарбий-қурилиш йўналишидаги Самарқанд академик лицейи ўқитувчиси **Ж.Сувановлар** томонидан **“Ахборот технологиялари”** фани бўйича тайёрланган ўқув қўлланмаси ўқув адабиётларни яратишда қўйиладиган барча талабларга жавоб берганлиги ва республикадаги ўрта махсус, касб-хунар коллежлари эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда адади **100 (юз)** нусхада нашрга тавсия этилсин.

Эшитилди:

Илмий кенгаш котиби Р.Т.Эшмаматов сўзга чиқиб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси профессори **К.Б.Ганиев**, “Қурилишда менежмент” кафедраси доценти **Г.И.Ганиева** ва катта ўқитувчи **Ф.К.Ганиевалар** томонидан **“Мулкни баҳолаш”** фани бўйича тайёрланган **“Оценка имущества (примеры и задачи)”** номли ўқув қўлланмаси 5А340901 – “Кўчмас мулкни баҳолаш ва бошқариш” мутахассислиги магистрантлари учун мўлжалланганлигини гапириб, ушбу ўқув қўлланмага СамДАҚИ “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси доценти **Х.А.Абдуқодирова** ва Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори **К.Б.Уразовлар** томонидан берилган тақризлар, факультет ва институт илмий-услубий кенгашининг қарорлари билан таништирди.

Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов** сўзга чиқиб, ушбу ўқув қўлланмадан 5А340901 – “Кўчмас мулкни баҳолаш ва бошқариш” мутахассислиги магистрантлари

фойдаланишлари ҳамда айна вақтда бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва мукамаллиги билан фарқланиши таъкидланди. Юқоридагиларни инобатга олиб мазкур ўқув қўлланмани **100 (юз)** нусхада нашр этиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси профессори **К.Б.Ганиев**, “Қурилишда менежмент” кафедраси доценти **Г.И.Ганиева** ва катта ўқитувчи **Ф.К.Ганиевалар** томонидан “**Мулкни баҳолаш**” фани бўйича тайёрланган “**Оценка имущества (примеры и задачи)**” номли ўқув қўлланмаси бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва ундан 5А340901 – “Кўчмас мулкни баҳолаш ва бошқариш” мутахассислиги магистрантлари фойдаланишлари мумкинлиги алоҳида таъкидлансин.
2. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси профессори **К.Б.Ганиев**, “Қурилишда менежмент” кафедраси доценти **Г.И.Ганиева** ва катта ўқитувчи **Ф.К.Ганиевалар** томонидан тайёрланган “**Оценка имущества (примеры и задачи)**” номли ўқув қўлланмаси ўқув адабиётларни яратишда қўйиладиган барча талабларга жавоб берганлиги ва республикадаги олий таълим муассасалари эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда адади **100 (юз)** нусхада нашрга тавсия этилсин.

Эшитилди:

Илмий кенгаш котиби Р.Т.Эшмаматов сўзга чиқиб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Автомобил йўллари, замин ва пойдеворлар” кафедраси доценти **М.М.Хонкелдиев**, ОваЎМТВ Олий таълим муассасалари бош бошқармаси бошлиғи **И.У.Мажидов** ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Автомобил йўллари, замин ва пойдеворлар” кафедраси доценти **М.М.Якубовлар** томонидан “**Замин ва пойдеворлар**” фани бўйича тайёрланган “**Ўта чўкувчан грунтларда асос ва пойдеворларни лойиҳалаш**” номли ўқув қўлланмаси 5340200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши” ва 5111000 – “Касбий таълим(5340200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши”) таълим йўналишида таҳсил олаётган бакалавриат талабалари учун мўлжалланганлигини гапириб, ушбу ўқув қўлланмага СамДАҚИ “Автомобил йўллари, замин ва пойдеворлар” кафедраси доценти **Ф.А.Икромов** ва “SVP МАСКАН” МЧЖ директори тф.н. **В.Ф.Усмоновлар** томонидан берилган тақризлар, факультет ва институт илмий-услубий кенгашининг қарорлари билан таништирди.

Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиiddинов** сўзга чиқиб, ушбу ўқув қўлланмадан 5340200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши” ва 5111000 – “Касбий таълим(5340200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши”) таълим йўналишида таҳсил олаётган бакалавриат талабалари фойдаланишлари ҳамда айна вақтда бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва мукамаллиги билан фарқланиши таъкидланди. Юқоридагиларни инобатга олиб мазкур ўқув қўлланмани **100 (юз)** нусхада нашр этиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Автомобил йўллари, замин ва пойдеворлар” кафедраси доценти **М.М.Хонкелдиев**, ОваЎМТВ Олий таълим муассасалари бош бошқармаси бошлиғи **И.У.Мажидов** ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Автомобил йўллари, замин ва пойдеворлар” кафедраси доценти **М.М.Якубовлар** томонидан “**Замин ва пойдеворлар**” фани бўйича тайёрланган “**Ўта чўкувчан грунтларда асос ва пойдеворларни лойиҳалаш**” номли ўқув қўлланмаси бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва ундан 5340200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши” ва 5111000 – “Касбий таълим(5340200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши”) таълим йўналишида таҳсил олаётган бакалавриат талабалари фойдаланишлари мумкинлиги алоҳида таъкидлансин.
2. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Автомобил йўллари, замин ва пойдеворлар” кафедраси доценти **М.М.Хонкелдиев**, ОваЎМТВ Олий таълим муассасалари бош бошқармаси бошлиғи **И.У.Мажидов** ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Автомобил йўллари, замин ва пойдеворлар”

кафедраси доценти **М.М.Якубовлар** томонидан тайёрланган **“Ўта чўкувчан зрунтларда асос ва пойдеворларни лойиҳалаш”** номли ўқув қўлланмаси ўқув адабиётларни яратишда қўйиладиган барча талабларга жавоб берганлиги ва республикадаги олий таълим муассасалари эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда адади **100 (юз)** нусхада нашрга тавсия этилсин.

Эшитилди:

Илмий кенгаш котиби Р.Т.Эшмаматов сўзга чиқиб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси доценти **К.Д.Рахимов** томонидан **“Ландшафт лойиҳалаш”** фани бўйича тайёрланган **“Боғ-паркларни лойиҳалашнинг замонавий йўналишлари”** номли ўқув қўлланмаси 5А340104 – “Ландшафтлар архитектураси” мутахассислиги магистрантлари учун мўлжалланганлигини гапириб, ушбу ўқув қўлланмага Тошкента архитектура-қурилиш институти профессори **Д.А.Нозилов** ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти доценти **Р.Тоштемировлар** томонидан берилган тақризлар, факультет ва институт илмий-услубий кенгашининг қарорлари билан таништирди.

Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов** сўзга чиқиб, ушбу ўқув қўлланмадан 5А340104–“Ландшафтлар архитектураси” мутахассислиги магистрантлари фойдаланишлари ҳамда айна вақтда бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва мукамаллиги билан фарқланиши таъкидланди. Юқоридагиларни инобатга олиб мазкур ўқув қўлланмани **500 (юз)** нусхада нашр этиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси доценти **К.Д.Рахимов** томонидан **“Ландшафт лойиҳалаш”** фани бўйича тайёрланган **“Боғ-паркларни лойиҳалашнинг замонавий йўналишлари”** номли ўқув қўлланмаси бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва ундан 5А340104 – “Ландшафтлар архитектураси” мутахассислиги магистрантлари фойдаланишлари мумкинлиги алоҳида таъкидлансин.
2. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси доценти **К.Д.Рахимов** томонидан тайёрланган **“Боғ-паркларни лойиҳалашнинг замонавий йўналишлари”** номли ўқув қўлланмаси ўқув адабиётларни яратишда қўйиладиган барча талабларга жавоб берганлиги ва республикадаги олий таълим муассасалари эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда адади **500 (юз)** нусхада нашрга тавсия этилсин.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов